



# УЛУҒ ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 255 (5846).

6 НОЯБРЬ 1985 й.  
ЧОРШАНБА

Газета 1968 йил  
1 июлдан чиқа бошлади.  
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



В. Муромцев чизган планат.

### ҲАМИША БИЗ БИЛАН, ҲАМИША БАРҲАЁТ

СССР пойтахти Улуғ Октябрни Қизил байроқлар билан, КПСС Марказий Комитетининг Чақириқ сўзлари ёзилган қирмизи транспарантлар билан кутиб олмақда. Байрам арафасида, 5 ноябрь кунин Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали очилишига бағишланган оммавий митинг бўлди.

Ленин ҳозир ҳам барча тиркилардан тиркироқ. У байрамларда ҳам, оддий иш кунларида ҳам ҳаммисиз биз билан ҳамнафас. Минглаб кишилар—Москва барча районларининг намояндалари Октябр майдонини тўлдирди. Майдон узра СССР давлат байроғи, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳиллаб турди. Оқ шойи қопланган обда ёнида Октябр қахрамонлари, партия ва меҳнат ветеранлари, уруш ветеранлари, мамлакат меҳнатнаш гвардиясининг ёш авлоди вакиллари туршибди.

14.00. М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воронков, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Фалзин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Сайков, М. В. Зиминин, И. В. Капитунов, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар минбарга чиқадилар.

КПСС Марказий Комитети Сийосий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин микрофон ёнига келади. Бутун бу ерда, пойтахтнинг Ленин проспекти бошланадиган Октябр майдониди, деди у, доҳий мутафаккир ва революционер, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлат бўлибди, халқаро пролетариатнинг, барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ва устози — Владимир Ильич Лениннинг КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг қарорига биноан қурилган ҳайкали очилмоқда.

Владимир Ильич Ленин ҳайкалини очишга бағишланган митинг очилди, деб эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев сулаға тортилган қизил лентани кесади.

Чойшаб тушиб, ҳозир бўлган кишиларнинг кўз ўнгиди Ильичнинг музазам ҳайкали намоён бўлади. Майдон узра қизгин қарсақлар чалинади. Совет Иттифоқи гимни янграйди.

Владимир Ильич Лениннинг ҳайкали Октябр номи майдонда қад кўтариб турибди, деди сўзини давом эттириб В. В. Гришин, бу ҳайкал Улуғ Октябр социалистик революциясининг 68 йиллиги арафасида очилди. Бу ҳам шонли бир тинимдир. Лениннинг номи, Лениннинг даҳоси, унинг бутун ҳаёти ва фаолияти мамлакатимиз ва бутун инсоният тарихиди улуғвор воқеа — Улуғ Октябр социалистик революцияси билан чамбарчас боғланган.

Эндилдида марксизм-ленинизм гоғлари, Октябр гоғлари оламшумул тарихий ғалаба қозонганини ҳамма кўриб турибди. Бу гоғлар қардош социалистик мамлакатлар халқларининг ишларида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, шунингдек миллий озодлик ҳаракатининг ғалабаларида мунассамашган. Бу гоғлар бутун дунё меҳнаткашларининг истиқбол йўлини еритиб турибди.

Москвада Ленин қадамлари кўп. Бундан буён Октябр майдони шундай жойларнинг бири бўлиб қолади. Ҳайкалтарошлардан Л. Е. Кербель ва В. А. Федоров ўртоқларнинг, архитекторлардан Г. В. Макаревич ва А. Б. Самсонов ўртоқларининг лойиҳасига мувофиқ барпо этилган Владимир Ильич Ленин ҳайкали шу майдонга ўрнатилган.

Лениннинг шу ҳайкали очилиши — москваликлар, барча совет кишиларининг меҳнаткашлар йўлбошчиси ва устозига бўлган чуқур меҳр-муҳаббати ҳамда миринадорчилигининг ёрқин ифодасидир. Владимир Ильич ўзининг бутун ҳаёти давомида Москва ишчилар синфи, меҳнаткашлари билан, Москва партия ташкилоти билан чамбарчас боғланган эди. Совет ҳукуматининг раҳбари, Москва партия комитетининг аъзоси, Москва Советининг депутаты сифатида Владимир Ильич Ленин ишчилар билан доимо учрашиб, завод ва фабрикаларда уларнинг ҳузурда нутқ сўзлар эди. У коммунистларни, барча меҳнаткашларни ишни янгича, ком-

мунистчасига ташкил этишда намуна кўрсатишга даъват этарди. Москваликлар Лениннинг бу васиятларини муқаддас билиб эъозламоқдалар.

Москва меҳнаткашлари мамлакатни социалистик ривожлантириши жадаллаштириш учун курашга қўшаётган ҳиссани муттасил кўпайтириб бормоқдалар. «Красный пролетарий» заводининг йўнучиси Социалистик Меҳнат Қахрамони, СССР давлат мукофоти лауреати И. И. Мальцев, 1917 йилдан КПСС аъзоси, Қишқи саройга қилинган ҳужум қатнашчиси К. П. Синюзерский, В. И. Ленин номи педагогика институтининг студенти, Ленин стипендианти Л. А. Королева сўзга чиқиб, Ленин васиятларига садоқатли партия мамлакатининг социалистик тарихий тараққийини жадаллаштиришга зўр ғайрат билан интилаётганини ҳамда таъбирлар. Инсониятнинг бахт-саодати ва совет кишисининг манфаатлари йўлида ишлаб чиқариш, фан ва техника, жамият турмушини ҳамма соҳаларида мислисини миқдосдаги ўзгартириш авж олдирилмоқда. Партия, унинг Марказий Комитети ленинча устозлик қатъият билан қарор топтирмоқдалар ва олға томон қилаётган ҳаракатимизга халқлар бераётган ҳамма иллатларга қарши курашмоқдалар. Партиянинг халқаро майдондаги фаолияти Лениннинг сулҳ тўғрисидаги биринчи Декрети доғимандлик руҳи билан сўғорилган. Совет халқи мана шуларнинг ҳаммасини астойдил маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Митинг ёпиқ деб эълон қилинади. Унинг қатнашчилари партия гимни — «Интернационални» куйлайдилар. М. С. Горбачев, Коммунистик партия билан Совет давлатининг бошқа раҳбарлари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Сўнгра улар ҳайкалтарошлик обидасини кўздан кечирадилар.

Совет Қуролли Кучларининг уч тури намоёндалари — пёйда аскарлар, урувчилар, денгизчилар майдондан тантанавор юриб ўтадилар. (ТАСС).

Суратда: Москвадаги Октябр номи майдонда очилган В. И. Ленин ҳайкали. ТАСС фотоси.

## 5.000.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!



ПАХТАЗОРДАН  
ДАРАКЛАР

«ОҚ ОЛТИН» - ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 ноябрга бўлган

№ 21

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобиди)  
Биринчи усту — областлар; иккинчи усту — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи усту — мавсум бошдан буён.

ФАРҒОНА	0,82	105,59
НАМАНҒАН	0,72	103,62
Тошкент	0,68	98,38
Сирдарё	1,04	92,06
Хоразм	0,37	90,72
Анджон	1,04	89,90
Сурхондарё	0,87	89,11
ҚАССР	0,72	86,67
Бухоро	0,35	82,96
Жиззах	0,70	79,49
Навоий	0,58	77,62
Самарқанд	0,95	74,83
Қашқадарё	0,79	64,30

Республика бўйича: 0,76 87,50



ТОШКЕНТ  
ОҚШОМИ

БЕҶОРОНИ  
ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ГЛАВТАШПАС-АВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАРИНУНГ ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус муҳбирларимиз Х. Икромов, А. Хатамов, Р. Нуъмон, Т. Керимовлар Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидан хабар қилдилар.

### ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, ОКТЯБРЬ!

Шу кунларда пойтахт олий ўқув юртинининг кўп миң кишилик коллективлари Сирдарё ва Жиззах областларининг пахта далаларида республиканин улка «оқ олтин» хирмонини бўйбд этишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қуйнда уларнинг Улуғ Октябр байрами қандай кутиб олаётганликлари ҳақида

М. Ш. ШАРИФХУЖАЕВ,

Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг ректори.

— Бизнинг институтимиз коллектив республика пахтакорларининг оғирини енгил қилишга кўп йиллардан буён муҳим эътибор бериб келмоқда. Жиззах областининг пахтакорлари бизнинг беғараз ёрдамимиздан миннатдор бўлмоқдалар. Агар шу кунларда йўлнинг тушиб, область пахтакорларида бўлсангиз, кўриб олаётган минглаб студентларимиз, профессор-ўқитувчиларини кўрасиз. Арнасой райониди Ю. Фучин номи совхозда, Жуков, Конев ва Ворошилов номи совхозларда теримда қат-

нашаётган коллективлар, бошқа кўпгина факультетларнинг зарбдорлари меҳнати барчани мамну этиляпти.

В. И. ТРОИЦКИЙ,

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг проректори, университет пахта штабининг бошлиғи.

— Мана, бир неча йилдики, доҳиймиз В. И. Ленин асос солган университетимиз студент ва ўқитувчилари оталиқдаги Сирдарё область «Оқолтин» районини пахтакорларига самимий ёрдам қилиши кўзиб келмоқдалар. Бу йил мавсумда «СССР 60 йиллиги» номи 19, Ворошилов номи 10-«а», Усмонов Юсупов номи 10-совхоз пахтакорларида университетимизнинг 5600 студенти ва 250 ўқитувчиси теримда жонбозлик кўрсатишти. Бундан ташқари олий ўқув юртининг хизматчилариди 400 киши ҳам кўриб ер пахтакорларига мададкор бўлмоқдалар. Улуғ Октябр байрами арафасида ҳамма совхозларининг пахта далаляри айлиниб чиқ-

дим. Таассуротим яхши бўлди: ҳамма жойда студентлар ҳам, ўқитувчилар ҳам ўзларининг она-Ватан олдидаги бурчиларини юксак ҳис этган ҳолда ишламоқда.

Мен бу ерда бирон студентни алоҳида ажратиб кўрсатмоқчи эмасман, чунки барча студентлар ҳам теримда фидокорлик кўрсатишляпти. Аммо факультетлар ўртасида пешқадамлик қилаётганларни айтиб ўтганим мумкин. Булар — химия, физика, амалий математика ва механика ҳамда ўзбек филологияси факультетларининг коллективларидир.

Е. М. СМЕРНОВ,

Тошкент автомобиль йўллари институтини партия комитетининг секретари.

—Биз ёрдам кўрсатаётган Сирдарё область Илий райониди «Правда» совхози иккинчи қадрдон уйга айланиб қолган десак муболага бўлмайди. Негаки, ҳар йил шу «Правда» совхоз пахтакорларига коллективимиз катта ёрдам кўрсатиб келяпти. Улуғ Октябрнинг 68 йиллиги ва партияимизнинг XXVII съезди шарафига мусобақада актив қатнашаётган коллективимиз Тошкент шаҳри ўқув муассасалари ўртасида Сирдарё области бўйича мусобақада уч марта голиблигини қўлга киритди. Н. Аширов, А. Багдасария, Б. Қурбонов ва Р. Қодировлар бошчилик қилаётган қишлоқ ҳўжалик отрядлари мусобақада яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бир сўз билан айтганда институтимиз педагог ва студентлар коллективини республиканин «оқ олтин» хирмонига бу йил ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.



СУРАТЛАРДА: студентлар пахта далалярида.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганини, Урта Осиё республикалари учун партия, совет ва идеология кадрлари тайёрлашда қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтимиш йил тўлиши муносабати билан Тошкент Олий

партия мактабининг ректори, тарих фанлари доктори, профессор Мирзагани Исмаиловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлабди.

\*\*\*  
Ўзбекистон ССР Олий Советининг республика халқ контроли органларида кўп йил самарали ишлаганилиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг инспектори ўртоқ Адольф Павлович Пономаревни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотладди.







